

Намоз мўминнинг меърожи | Сийрат дарслари (258-дарс)



19:00 / 01.12.2023 1698

321. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Агар умматимга машаққат бўлишни ўйламаганимда, уларни ҳар намоздан олдин албатта мисвок қилишга буюрган бўлур эдим»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

322. Ҳузайфа ибн Ямон розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам кечаси таҳажжуд намози учун турсалар, оғизларини мисвок билан тозалар эдилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

323. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозга турсалар икки қўлларини елкалари баробар кўтариб, такбир айтар эдилар. Рукуъ қилсалар ҳам худди шундай қилардилар. Рукуъдан турсалар ҳам худди шундай қилардилар. Саждадан бош кўтарганларида буни қилмасдилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

324. Имрон ибн Хусойн розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Менинг бавосирим бор эди. Набий соллаллоху алайҳи васалламдан намоз ҳақида сўрадим. У зот: **«Тик туриб ўқи. Агар қодир бўлмасанг, ўтириб ўқи. Агар қодир бўлмасанг, ёнбошлаб ўқи»**, дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

325. Абу Ҳозимдан, у Саҳл ибн Саъд розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Одамларга намозда ўнг қўлни чап билаги устига қўйишлари амр қилинар эди.

Абу Ҳозим: «Буни Набий соллаллоху алайҳи васалламга етказганидан бошқа нарсани билмайман», деди.

Бухорий ривоят қилган.

326. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам такбир билан қироат орасида бироз сукут сақлаб турар эдилар. Шунда мен: «Ота-онам сизга фидо бўлсин, эй Расулalloҳ, такбир билан қироатнинг орасида сукут сақлаганингизда нима дейсиз?» дедим. У зот: **«Аллоҳумма боъид байни ва байна хатоёя камо баъадта байнал машриқи вал мағриби. Аллоҳумма наққиний мин хатоёя камо юнаққо ас-савбул абязу минад-данаси. Аллоҳумма иғсил хатоёя бил маи вас-салжи вал баради», дейман»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.